

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛМИРЗАЕВ ДИЛМУРАД КАМИЛОВИЧ**

**ИНТЕНСИВ БОҒЛАР УЧУН КУЧСИЗ ЎСУВЧИ ОЛЧА ВА ОЛХЎРИ  
КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

УЎТ: 634.23

УЎТ: 634.22

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Халмирзаев Дилмурад Камилевич**

Интенсив боғлар учун кучсиз ўсувчи олча ва олхўри кўчатларини  
етиштириш технологиясини такомиллаштириш..... 3

**Халмирзаев Дилмурад Камилевич**

Совершенствование технологии выращивания слаборослых саженцев  
вишни и сливы для интенсивных садов ..... 19

**Halmirzaev Dilmurad Kamilovich**

Improving the technology of cultivation of weak seeds of cherry and plum for  
intensive gardens..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛМИРЗАЕВ ДИЛМУРАД КАМИЛОВИЧ**

**ИНТЕНСИВ БОҒЛАР УЧУН КУЧСИЗ ЎСУВЧИ ОЛЧА ВА ОЛХЎРИ  
КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Qx245 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исламов Соҳиб Яхшибекович,**  
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Кайимов Абдухалил Кайимович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Файзиев Жамолiddин Носирович,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги  
вазирлиги**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (535949-рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот ресурс маркази биноси, Тел.: 260-50-43).

Диссертация автореферати 2018 йил \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ . рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, б.ф.д.,  
академик.

**Я.Х.Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
қ.х.ф.н., доцент.

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, қ.х.ф.д.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда аграр тармоғи саноат асосида ривожланган хорижий давлатларда данакли мева ўсимликларини кучсиз ўсувчи пайвандтагларда етиштириш кенг тарқалган бўлиб, уруғидан ўстириладиган пайвандтаглардаги боғларга нисбатан уларнинг улуши Болгария ва Италияда 80 фоиз, Германия, Англия ва АҚШда 90 фоиз ва Россияда 40 фоизни ташкил этади<sup>1</sup>. Боғдорчиликни интенсификация қилишнинг асосий йўналишлари – бу, кучсиз ўсувчи клон пайвандтагларини қўллаш орқали дарахтларнинг тез ҳосилга кириши, ҳосилдорлиги ва мева сифатининг юқори бўлишига эришиш, шунингдек парваришlashда ресурстежамкор технологиялардан кенг фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтаглар коллекциясини яратиш, улар орасидан кучсиз ўсувчи, совуққа ва жазирама иссиққа бардошли намуналарни ажратиш, пайвандтагларни вегетатив йўл билан кўпайтиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқилмоқда. Бу борада куртак пайванд қилишнинг мақбул муддатларини аниқлаш, навдор кўчатлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва стандарт кўчат чиқиши миқдорини ошириш масалаларига бағишланган илмий изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда саноат боғдорчилигининг асосий вазифаси республика аҳолиси талабини қондириш ва хорижий давлатларга экспортни кўзда тутувчи сифатли мевалар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобланади. Бунга боғлиқ равишда бошқа мевалар орасида ўзининг тезпишарлиги, тез ҳосилга кириши ва ҳар йили мунтазам ҳосил бериши билан ажралиб турадиган олча ва олхўри каби мевалар ишлаб чиқаришни интенсификация қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «...қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш» муҳим стратегик вазифалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган<sup>2</sup>. Бу борада охўри ва олчанинг вегетатив йўл билан кўпаядиган, стандарт кўчатларнинг кўп миқдорда чиқишини таъминлайдиган клон пайвандтаглар она кўчатзорларини барпо этиш бундай юқори самарали интенсив боғларни барпо этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш банди ва 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда

<sup>1</sup> <http://statainformation.ru/sel/vinograd.html>; <http://landlord.ua/10-krupneyshih-v-mire-proizvoditeley-vina/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

мазкур фаолиятга тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни илмий жиҳатдан амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Данакли мева ўсимликлари кўчатларини кучсиз ўсувчи клон пайвандтагларда етиштиришга бағишланган кенг қамровли тадқиқотлар АКШ, Канада, Франция, Англия, Германия, Болгария, Италия ва Россия каби мамлакатларда R.Garner, A.P.Preston, A.B.Webster, R.A.Smith, R.Wait, H.T.Taptman, D.C.Kester, J.N.Cummins, G.S.Hick, K.H.Tilmann, M.Zupnik, H.J.Damman, S.W.Zagajia, T.Yakubovski, A.Poniedzialer, P.Pamia, J.Dutu, G.Mladin, A.Masseron, Г.П.Чимпоеш, М.И.Барберошие, К.Г.Карычев, Н.М.Здоровцов, Г.В.Еремин, О.А.Гнездилов, Ю.К.Вехов, Р.И.Головина, В.Ф.Гавриш, В.Н.Стыценко, Г.Ю.Поликарпова ва бошқалар томонидан олиб борилган. Ўзбекистонда мевали ўсимликларни, олхўри ва олча истисно ҳолатда, кучсиз ўсувчи пайвандтагларда етиштириш билан ҳар хил йилларда О.К.Афанасьев, Р.Д.Джураев, С.Я.Исламов, З.А.Абдикаюмовлар тадқиқот олиб боришган.

Мазкур йўналишда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили мевали ўсимликларни кучсиз ўсувчи пайвандтагларда етиштиришнинг юқори самарали эканлигини кўрсатади. Республикада олхўри ва олча каби мевали ўсимликларда бундай тадқиқотларнинг ўтказилмаганлигига боғлиқ равишда, ушбу йўналишда кенг қамровли илмий тадқиқот олиб бориш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети ва Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХАЁ-8-002 “Кўчатзор ва боғ шароитида мева ўсимликларини вегетатив йўл билан кўпайтириладиган энг жадаллашган кучсиз пайвандтагларини ўрганиб, танлаб олиш” (2012-2013 йй.) мавзусидаги инновацион илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олча ва олхўри пайвандтаглари коллекциясидан ўсиш кучи чекланган, қурғоқчиликка чидамлисини ажратиш, улар асосида интенсив типдаги боғ барпо қилишга мўлжалланган кучсиз ўсувчи кўчат етиштириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

олча ва олхўри пайвандтаглари коллекцияси ўсимликлари ва пархишларини ўсиш ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш;

пархиш маҳсулдорлигини ошириш учун клон пайвандтаглар она ўсимликлари ёшига хос маҳсулдорлигини ўрганиш ва уларни жойлаштириш

схемаларини мақбуллаштириш;

пайвандтаглар коллекциясидан қурғоқчиликка чидамлисини ажратиш;

куртак пайванд усулида етиштиришда кўчат чиқиш сифатининг пайвандтаг турига боғлиқлигини аниқлаш;

куртак пайванд қилиш муддатининг пайвандуст куртакларнинг тутиши ҳамда навдор кўчатларнинг ўсиши ва ривожланиш жараёнларига таъсирини аниқлаш;

олча ва олхўрининг кучсиз ўсувчи кўчатларини етиштириш учун интеркаляр қўйилма узунлигини оптималлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олчанинг вегетатив йўл билан кўпаядиган ВСЛ-2, САВ-6Р, Крымский-5, ОВП-1, ОВП-4, ОВП-5, П-3, П-7, ВП-1, Шубинка, Любская, Подбельская, уруғидан ўстириладиган камхастак олча пайвандтаглари ҳамда Шпанка черная нави, олхўрининг вегетатив йўл билан кўпаядиган ОПА 15-2, АП-1, ОП 23-23, СВГ 11-19, ОД 2-3, ВВА-1, АКУ 2-31, ЧАК 5-62, уруғидан ўстириладиган Кара олу пайвандтаглари ҳамда Исполинская нави олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб коллекцион она пайвандтагларнинг ўсиш кучи, уларда пархиш новдаларнинг шаклланиш сифати, она пайвандтаглар ёшига боғлиқ равишда пархиш чиқиши, олхўри ва олча пайвандтагларининг яшил қаламчадан ўсиши ва ривожланиши, ҳар хил ўсиш кучига эга интеркаляр қўйилмалар ва уларнинг узунлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала ва лаборатория тажрибалари ҳамда илмий ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришда синаш ва татбиқ этиш мевачиликда умумқабул қилинган «Полевые опыты с плодовыми деревьями» (С.Пирс), «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» (Х.Буриев, Н.Енилеев ва б.), «Определение сравнительной засухоустойчивости растений способом искусственного завядания листьев» (Э.А.Гончаров), «Изучение динамики роста побегов, формирование почек и цветков у плодовых растений» (В.Л.Витковский), «Методика полевого опыта» (Б.А.Доспехов), «Практикум по агрохимии» (Б.А.Ягодин, И.П.Дерюгин ва б.), «Практикум по физиологии растений» (Н.Н.Третьяков, Т.В.Карнаухова ва б.) каби услублар бўйича амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор четдан интродукция қилинган олча ва олхўрининг вегетатив йўл билан кўпаювчи пайвандтаглари ривожланишининг морфо-биологик белгилари ўрганилган ва уларнинг ўсиш кучи бўйича гуруҳлари аниқланган;

она пайвандтагларнинг ёшига хос пархиш маҳсулдорлиги аниқланган ва энг юқори пархиш маҳсулдорлигини таъминловчи мақбул экиш схемаси ишлаб чиқилган;

олча ва олхўрининг клон пайвандтаглари коллекциясидан қурғоқчиликка чидамли шакллари аниқланган;

маҳсус иншоотда олча ва олхўрининг клон пайвандтагларини яшил қаламчасидан етиштиришнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган;

куртак пайванд қилиш муддатининг пайвандуст куртакларнинг тутиши ва

навдор кўчатларнинг ривожланишига таъсири аниқланган;

куртак пайванд усулида етиштиришда навдор кўчатлар чиқишининг пайвандтаг турига боғлиқлиги аниқланган;

олча ва олхўри пайвандтагларнинг ўсиш кучига боғлиқ равишда куртак пайванд қилишнинг мўътадил муддатлари аниқланган;

олча ва олхўрининг интенсив боғ барпо қилишга мўлжалланган кучсиз ўсувчи кўчатларини етиштиришда ҳар хил ўсиш кучига эга пайвандтагларга пайванд қилинувчи интеркаляр қўйилманинг узунлиги мақбуллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтаглар коллекциясидан олчанинг ўртача ўсувчи ОВП-1, ВП-1 ва ОВП-5, кучсиз ўсувчи П-3, П-7, ВСЛ-2, Крымский-5, САВ-6Р, олхўрининг ўртача ўсувчи ОПА 15-2 ва АП-1, кучсиз ўсувчи ОД 2-3, ВВА-1, АКУ 2-31 ва ЧАК 5-62 пайвандтаглари ажратилган;

тупроқда намлик етишмаслигига юқори физиологик чидамликка эга олчанинг ПН, олхўрининг АП-1, ОП 23-23, СВГ 11-19 ва ОД 2-3 каби пайвандтаглари ажратилган;

пайвандтаглар коллекциясидан она ўсимликларда энг юқори пархиш маҳсулдорлигига эга олчанинг ОВП-5, САВ-6Р ва П-3, олхўрининг СВГ 11-19, ВВА-1, АП-1, АКУ 2-31 ва ОП 23-23 каби пайвандтаглари ажратилган;

олча ва олхўрини вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтагларини яшил қаламчасидан сунъий субстратда етиштиришнинг юқори самаралилиги аниқланган бўлиб, у беш ой муддат ичида гектарига 336383 донагача пайвандтаг етиштиришни таъминлайди;

кучсиз ўсувчи пайвандтагларда олча ва олхўрининг навдор кўчатларини етиштириш учун куртак пайванд қилишнинг мақбул муддати (30 июль – 10 август) аниқланган;

уруғидан ўстириладиган кучли ўсувчи пайвандтагларда олча ва олхўрининг ўсиш кучи чекланган кўчатларини етиштириш учун интеркаляр қўйилмани 30 см, ўртача ўсувчи вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтагларда 20 см узунликда ва кучсиз ўсувчи вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтагларда 10 см узунликда олиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** дала тажрибаларининг ҳар йили апробация текширувидан ўтказилганлиги; илмий тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда, инновацион ярмаркаларда муҳокама қилинганлиги ҳамда ОАК рўйхатига кирган илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда тажриба йўли билан олча ва олхўрининг ҳар хил ўсиш кучига эга қимматли пайвандтаглари ажратилган бўлиб, улар республикада интенсив боғ барпо қилиш имконини берувчи кучсиз ўсувчи кўчат ишлаб чиқаришда муваффақият билан қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, озука субстрати сифатида биогумусдан фойдаланган ҳолда сунъий субстратда ушбу пайвандтагларни яшил қаламчасидан жадал кўпайтиришнинг янги усули ишлаб чиқилган, пайвандтагларга навдор куртакларни пайванд қилишнинг мақбул муддати белгиланган, олча ва олхўри кўчатларининг ўсишини сезиларли сусайтирувчи кучсиз ўсувчи пайвандтаглар оралиқ қўйилмасининг мақбул комбинацияси ва уларнинг узунлиги параметрлари танланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Интенсив боғлар учун кучсиз ўсувчи олча ва олхўри кўчатларини етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

вегетатив йўл билан кўпаювчи П-7 ва П-3 пайвандтагларида олчанинг «Шпанка черная» нави кўчатларини кўпайтириш технологияси Тошкент вилояти Охангарон туманидаги «Оҳанг асл тулпори» фермер хўжалигида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/30-210-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ушбу кўчатлардан 5000 дона миқдорида кўпайтирилганда гектаридан 296153 минг сўм фойда олинган ҳамда уруғидан кўпайтирилган пайвандтаглардан етиштиришга нисбатан 1,6 марта юқори кўрсаткични ташкил этган;

олчанинг «Шпанка черная» нави кўчатларини кучсиз ўсувчи вегетатив йўл билан кўпаювчи «ВСЛ-2» ва «САВ-6Р» пайвандтагларида кўпайтириш технологияси Наманган вилояти Чортоқ туманидаги «Нурбек Комилжон» фермер хўжалигида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/30-210-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўчатлардан 4000 дона миқдорида етиштирилганда гектаридан 279315 минг сўм фойда олинган ҳамда уруғидан кўпайтирилган камхастак олча пайвандтагида етиштиришга нисбатан 1,5 марта юқори самарадорликка эришилган;

олхўрининг «Исполинская» нави кўчатларини вегетатив йўл билан кўпаядиган кучсиз ўсувчи «ОД 2-3» пайвандтагида кўпайтириш технологияси Тошкент вилояти Зангиота туманидаги академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти экин майдонларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/30-210-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ушбу кўчатлардан 3000 дона миқдорида етиштирилганда гектаридан 283152 минг сўм фойда олинган ҳамда самарадорлик уруғидан кўпайтирилган пайвандтагларда етиштиришга нисбатан 1,3 марта юқори бўлиши аниқланган;

олчанинг Шпанка черная нави кўчатларини кучли ўсувчи уруғидан кўпайтирилган камхастак олча ва вегетатив йўл билан кўпайтирилган ОВП-4 пайвандтагларида 30 см узунликдаги кучсиз ўсувчи П-3 пайвандтагини оралиқ қўйилмаси билан етиштириш Фарғона вилояти Қува туманидаги академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг Фарғона тажриба станциясида жорий этилган. Натижада оралиқ қўйилмали 6000 дона миқдорида кўчат етиштиришда гектаридан 177235 минг сўм фойда олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика

илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган. Олий аттестация комиссиясини диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Веgetатив йўл билан кўпайтириладиган пайвандтагларда олча ва олхўри кўчатларини етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз адабий нашрлари маълумотлари шарҳланган. Жумладан, боғдорчиликни жадаллаштиришда олча ва олхўрининг вегетатив йўл билан кўпайтириладиган клон пайвандтагларининг қўлланилиши, ушбу клон пайвандтагларини кўпайтириш, олхўри ва олча кўчатларини клон пайвандтагларга куртак пайванд қилиш йўли билан етиштиришнинг асосий элементлари, олча ва олхўри кўчатларини интеркаляр қўйилмали пайвандтагларда етиштириш технологиялари тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотни ўтказиш шароити, мақсади, объекти, дастури ва услуги”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган тажриба даласининг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда алоҳида тажрибаларни ўтказиш услуги ёритилган. “Тадқиқот мақсади, вазифаси, объектлари ва услублари” бўлимида тадқиқотларни ўтказиш услуги, тажрибаларни олиб боришда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига камерал ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Олча ва олхўрининг клон пайвандтагларини етиштириш технологияси”** деб номланган учинчи бобида олча ва олхўри пайвандтагларини етиштиришнинг самарали элементларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижаари келтирилган.

“Веgetатив йўл билан кўпаядиган олча ва олхўри пайвандтаглари коллекциясининг она кўчатзорда ўсиш хусусиятлари” деб номланган бўлимида

республикага интродукция қилинган олча ва олхўрини вегетатив йўл билан кўпайтириладиган клон пайвандтаглари ўсиши ва ривожланишининг морфобиологик хусусиятларини ўрганиш бўйича кузатув натижалари келтирилган. Пайвандтаглارнинг ривожланишини ўрганиш шуни кўрсатдики, уруғидан ўстирилган олча пайвандтагларининг барчаси йиллик ўсиш доирада ўзининг кучли – 63,7-72,9 см ўсиши билан ажралиб турди. Вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтаглар эса икки гуруҳга ажралди: бўйи 56,7 дан 62,7 см гача бўлган ўртача ўсувчи ОВП-1, ОВП-5 ва ВП-1 пайвандтаглари ҳамда бўйи 45,6-55,4 см оралиғида бўлган ВСЛ-2, САВ-6Р, Крымский-5, ОВП-4, П-3 ва П-7 каби пайвандтаглар эса суст ўсиши билан ажралиб турди. Ушбу пайвандтагларнинг бўйи 45,6-56,7 см оралиғида бўлди (1-расм).



**1-расм. Олча (а) ва олхўри (б) пайвандтаглари она тупларида пархиш новдаларнинг баландлиги ва илдиз бўғзи диаметри**

Олхўри пайвандтаглари коллекциясида кучли ўсиш уруғидан ўстирилган Кара олу ва вегетатив йўл билан кўпайтирилган ОПА 15-2 ва АП-1 пайвандтагларида кузатилди, уларда асосий новда баландлиги 56,7, 49,3 ва 46,1 см бўлди, 34,4 дан 39,9 см гача кучсиз ўсиш билан ЧАК 5-62, АКУ 2-31, ВВА-1 ва ОД 2-3 пайвандтаглари ажралиб турди.

“Олча ва олхўри пайвандтагларида пархиш чиқиш сифатига она туплар ёшининг таъсири” бўлимида пайвандтаглар она тупларининг ёшига боғлиқ

ҳолда пархиш новдалар чиқишининг ўзгаришини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Тажрибаларнинг кўрсатишича, икки ёшли она кўчатзорда ўрганилган олча пайвандтагларидан стандарт пархишларнинг юқори маҳсулдорлиги билан ОВП-5, САВ-6Р, ВП-1 ва П-3 пайвандтаглари алоҳида ажралиб турди, уларда ҳар бир тупдан 6,0-6,9 донадан ёки гектарига мос ҳолда 82,5 минг, 87,5 минг, 97,2 минг ва 127,6 минг дона пархиш олинди. Она кўчатзорларда уч ёшидан бошлаб пархиш чиқиши 1,5 марта ошди ва пайвандтаг турлари бўйича 123,7-191,4 минг дона/га оралиғида бўлди.

Вертикал пархишлаш усулида кўпайтиришда энг юқори маҳсулдорлик олхўрининг СВГ 11-19, АП-1, ВВА-1, АП-1 ва АКУ 2-31, ОП 23-23 каби пайвандтагларда кузатилди, уларнинг ҳар бир тупида 11,2-14,8 пархиш олинди, бу эса гектар ҳисобига мос ҳолда 148,2-195,0 минг дона демакдир.

“Олча ва олхўри пайвандтагларининг пархиш маҳсулдорлигига она тупларни жойлаштириш схемаларининг таъсири” бўлимида вегетатив йўл билан кўпайтириладиган олча ва олхўри пайвандтаглари она тупларини жойлаштириш схемалари ва унга боғлиқ ҳолда она тупларнинг ривожланиш хусусиятлари ўрганилган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қатордаги она туплар оралиғини 20 дан 50 см гача ошириш алоҳида пархишларнинг 3-5 см баландроқ бўлишини таъминлади. Бироқ, бунда она тупларда ғовлаган пархиш новдалар миқдори ортиб кетди, улардан фойдаланиш эса пайвандуст куртакларнинг тутувчанлигини ва майдон бирлигидан сифатли кўчат чиқишини камайтирди.

Она тупларни 1,5x0,2 м схемада зичлаштириб экишда таначасининг диаметри 7 дан 10 см гача бўлган стандарт пархишларнинг 1,5x0,5 м схемада экилган назорат вариантыга нисбатан энг кўп чиқиши кузатилди. Олчанинг ОВП-5 пайвандтагида уларнинг миқдори гектарига 499,2 минг, олхўрининг СВГ 11-19 пайвандтагида эса 507,1 минг донани ташкил этди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Она тупларнинг жойлашиш схемасига боғлиқ равишда олча ва олхўри пайвандтагларидан стандарт пархиш чиқиши, 2015-2017 йй.

Пайванд-таглар	Экиш схемаси, м	Стандарт пархиш чиқиши, минг дона/га			
		Жами пархиш, минг дона/га	Илдиз бўғзининг қуйидаги диаметрлари бўйича, М±m:		
			6-7 мм	7-10 мм	10 мм дан ортик
<b>Олча</b>					
ОВП-5	1,5x0,2	573,0	95,2±6,3	499,2±4,2	8,6±2,9
	1,5x0,3	382,0	19,4±3,1	346,0±3,1	1,6±2,7
	1,5x0,5 – наз.	229,2	15,2±1,9	191,4±5,2	12,6±4,1
ЭКФ <sub>0,5</sub>		0,4	0,3	0,6	0,4
<b>Олхўри</b>					
СВГ 11-19	1,5x0,2	585,0	61,7±9,7	507,1±12,1	16,3±2,9
	1,5x0,3	390,0	11,1±7,7	352,4±14,7	26,9±0,6
	1,5x0,5 – наз.	234,0	12,0±2,1	187,8±8,3	34,2±4,7
ЭКФ <sub>0,5</sub>		0,5	0,5	0,6	0,4

**Изоҳ:** 1,5x0,2 м схемада гектарига 33333 туп, 1,5x0,3 м схемада 22225 ва 1,5x0,5 м схемада 13333 туп она ўсимлик жойлашган.

Олча ва олхўри пайвандтаглари она ўсимликларини 1,5x0,2 м схемада зичлаштириб жойлаштириш бир гектар она кўчатзордан 499,2 мингдан 507,1 минг донагача стандарт пархишлар олиш ва уларни реализация қилишдан 50,750 млн. сўм соф фойда олиш имконини берди, бунда 1000 дона пайвандтагнинг таннархи 11430 ва 13499 сўм, пайвандтаг ишлаб чиқариш рентабеллиги 640,7 ва 774,8% гача етди.

“Олча ва олхўри пайвандтагларини иурларига кўра уларнинг курғоқчиликка бардош бериш хусусиятлари” бўлимида вегетатив йўл билан кўпайтириладиган пайвандтагларнинг намлик танқислигига экологик мослашувчанлиги ўрганилган. Тажрибаларнинг кўрсатишича, тупроқда намлик етишмаслигига юқори физиологик чидамлилиқ олхўри ва олчанинг уруғидан ўстирилган пайвандтагларида қайд этилди, улар ёз даврида кундузги соатларда 23,4 дан 29,3% гача сувни транспирацияга сарфлайди, барг хужайраларида сув танқислиги 18,7-24,2% ва барг хужайраларида тургорнинг тикланиши 92,3-97,4% ни ташкил этди.

Вегетатив йўл билан кўпайтириладиган пайвандтаглардан ёзги даврда курғоқчиликка юқори чидамлилиқ олчанинг ПН, олхўрининг АП-1, ОП 23-23, СВГ 11-19 ва ОД 2-3 пайвандтагларида кузатилди, уларда кундузги соатларда сувнинг йўқотилиши 20,0-21,8%, сув танқислиги 18,1-29,5%, барг хужайраларида тургорнинг тикланиши 98,0-100,0% ни ташкил этди.

“Олча ва олхўри пайвандтагларининг турларига кўра уларни яшил қаламчаларидан кўпайиш хусусиятлари” бўлимида олча ва олхўрини вегетатив йўл билан кўпайтириладиган клон пайвандтагларини микроиқлими бошқариладиган махсус иншоотда яшил қаламчасидан етиштириш усулини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

**Яшил қаламчаларининг илдиз олувчанлигига қаламчалаш муддатининг таъсири, 2015-2017 йй.**

Қаламчалаш муддати	Қаламчаларнинг илдиз олувчанлиги, %	Марказий новданинг бўйи, см	Марказий новда асосининг диаметри, мм	Жами 1-тартиб илдизлар, дона
<b>Олчанинг П-7 пайвандтаги</b>				
30.05	78,1	45,9	8,0	16,3
10.06	73,3	45,0	7,9	14,7
20.06	68,9	38,8	7,7	11,3
30.06	60,8	35,3	7,4	9,5
ЭКФ <sub>05</sub>		0,2	0,3	0,3
<b>Олхўрининг ОД 23-23 пайвандтаги</b>				
30.05	77,4	47,7	7,8	19,2
10.06	71,9	44,4	7,3	17,6
20.06	66,1	41,9	6,9	15,3
30.06	60,3	37,7	6,0	12,5
ЭКФ <sub>05</sub>		0,5	0,4	0,4

Тажрибаларда аниқланишича, олча ва олхўри пайвандтаглари яшил қаламчаларини тайёрлашнинг энг мақбул муддати май ойининг охири – июн ойининг биринчи ўн кунлиги ҳисобланади. Ушбу даврда новдалар кучли ўсув фазасида бўлади ва ушбу муддатдан кечиктириш яшил қаламчалар илдиз олувчанлигининг 20% гача пасайишига олиб келади.

Яшил қаламчаларнинг энг яхши илдиз олиши (73,0-79,0%) олчанинг САВ-6Р, ПН, П-7 ва Крымский 5 пайвандтагларида қайд этилди, уларда стандарт ўсимликларнинг чиқиши 316328 дан 336383 донагача етди.

Яшил қаламчасидан кўпая олишга юқори даражада мойиллик (70,8-80,5%) олхўрининг СВГ 11-19, ОД 2-3, АП-1, ОП 23-23, пайвандтагларида қайд этилди, уларда махсус иншоотдан стандарт пайвандтаглар чиқиши 283274 донани ташкил этди.

Диссертациянинг **“Олча ва олхўрининг кучсиз ўсувчи кўчатларини етиштириш технологияси”** деб номланган тўртинчи бобида вегетатив йўл билан кўпайтириладиган пайвандтагларда олча ва олхўрининг кучсиз ўсувчи кўчатларини етиштириш технологиясининг самарали элементларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Жумладан, ушбу бобнинг “Олча ва олхўри кўчатларини ўсиш кучи турли бўлган пайвандтагларда куртак пайванд қилиш йўли билан етиштириш” деб номланган бўлимида пайвандуст куртакларнинг ўсиш кучи ҳар хил пайвандтагларда тутувчанлиги таҳлил қилинган. Олча ва олхўри кўчатларини ўсиш кучи ҳар хил бўлган пайвандтагларда етиштириш шуни кўрсатдики, навдор куртакларнинг тутувчанлик сифати иккала мевали ўсимлик турида сезиларли ўзгармади ва олча кўчатларини етиштиришда 95,5-95,7%, олхўри кўчатларини етиштиришда 96,8-97,3% ни ташкил этди. Пайвандуст куртакларнинг кузги-қишки даврдаги сақланувчанлиги пайвандтаг турига боғлиқ равишда фарқланди ва бунда энг яхши кўрсаткичлар кучсиз ўсувчи вегетатив йўл билан кўпайтириладиган олчанинг П-7, олхўрининг ОД 2-3 пайвандтагида қайд этилди.

Олча ва олхўрининг кучсиз ўсувчи П-7 ва ОД 2-3 пайвандтаглари қўлланилганда кўчатлар сусти ўсиши билан ажралиб турди, уларнинг бўйи 80,3 ва 83,7 см дан ошмади, яъни уруғидан ўстирилган пайвандтагларда етиштирилганга нисбатан 35,4 ва 43,9 см га паст бўлди (2-расм).

Олча ва олхўри кўчатларини кучсиз ўсувчи пайвандтагларда етиштириш пайванд компонентларининг ўзаро мос келиши учун яхши физиологик шароит таъминлайди, кузги-қишки даврда уларнинг сақланувчанлигини оширади, ўсув даврида кўчатларнинг интенсив ривожланишига имкон беради, буларнинг барчаси кўчатзорнинг майдон бирлигидан кўчатларнинг умумий чиқишини, шунингдек стандарт кўчатлари чиқишини 69,3-71,5% ёки гектарига 40764-42058 донагача оширади, бу эса икаала тур мевали ўсим кўчатини ҳам уруғидан ўстирилган пайвандтагларда етиштиришга нисбатан 8,1-8,7% ортиқдир.

Диссертациянинг “Пайвандуст куртакларнинг тутувчанлиги ва кўчатларнинг ривожланишига пайванд қилиш муддатларининг таъсири” деб номланган бўлимида олча ва олхўри пайвандтаглари куртак пайванд қилиш муддатини оптималлаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.



**2-расм. Олчани Шпанка Черная ва олхўрини Исполинская нави кўчатларининг турли пайвандтагларда ривожланиши баландлиги:  
1 – П-7; 2 – ОВП-4; 3 – камхастак; 4 – ОД 2-3; 5 – ОПА 15-2; 6 – Кара олу**

Тажрибаларнинг кўрсатишича, олчанинг Шпанка Черная нави кўчатларини кучсиз ўсувчи пайвандтагларда етиштириш учун куртак пайванд қилишнинг энг мақбул муддати 30 июлдан 10 августгача ҳисобланади, ушбу муддатда пайванд қилинганда куртакларнинг тутувчанлиги 95,7-95,9%, уларнинг сақланиши 88,0-89,6% ёки гектарига 51764-53881 донани ташкил этади.

Куртак пайванд қилиш муддатларини оптималлаштириш кўчатзорнинг майдон бирлигидан умумий ва стандарт кўчат чиқишини олчанинг П-7 пайвандтагида гектарига 47613 донга, олхўрининг ОД 2-3 пайвандтагида 46619 донгача етказиш имконини берди, бу эса республикада умумқабул қилинган пайванд қилиш муддатига нисбатан 16,2 ва 10,6% га юқоридир.

Диссертациянинг “Кучсиз ўсувчи пайвандтаглардан интеркаляр қўйилма сифатида фойдаланган ҳолда олча ва олхўри кўчатлари етиштириш” деб номланган бўлимида олча ва олхўри боғларини зичлаштирилган схемада барпо қилиш учун ўсиш кучи чекланган кўчатларни етиштиришда кучсиз ўсувчи пайвандтагнинг оралик қўйилмасидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг узунлигини ахамияти ёритилган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кучсиз ўсувчи кўчат олиш учун олча ўсимлигида асосий пайвандтаг сифатида П-7 ва интеркаляр қўйилма сифатида кучсиз ўсувчи П-3 пайвандтагидан, олхўрида эса мос ҳолда ОД 2-3 ва АКУ 2-31 пайвандтагларидан фойдаланиш яхши натижа берди. Ушбу пайвандтаглар ва интеркаляр қўйилмалар бирикмасида тутувчанлик 95,9% гача етади.

Кучсиз ўсувчи пайвандтагларнинг оралик қўйилмаси узунлигини оптималлаштириш шуни кўрсатдики, кучсиз ўсувчи кўчат олиш учун олчада

асосий пайвандтаг сифатида П-7 пайвандтагидан ва оралик қўйилма сифатида П-3 пайвандтагининг 10 см узунликдаги оралик қўйилмасидан фойдаланиш лозим. Олхўрида асосий пайвандтаг сифатида ОД 2-3 пайвандтаги ва интеркаляр қўйилма учун АКУ 2-31 пайвандтагининг 10 см узунликдаги қаламчасидан фойдаланиш юқоридаги каби натижа беради. Бундай шароитларда уч ёшли кўчатларнинг бўйи олчада 52 см, олхўрида 61 см дан ошмади (3-жадвал).

3-жадвал

Олча ва олхўри кўчатларининг ривожланишига кучсиз ўсувчи пайвандтаг оралик қўйилмаси узунлигининг таъсири, 2015-2017 йй.

Асосий пайвандтаг	Оралик қўйилма узунлиги, см	Кўчатларнинг ўсиш кучи		Барглар сони, дона	Барг сатхи, дм <sup>2</sup> .
		см	%		
<b>Олчани Шпанка Черная нави + П-3 пайвандтаги оралик қўйилмаси</b>					
Камхастак олча	10 – назорат	73,2	100,0	67,5	21,3
	20	65,1	88,9	60,4	20,1
	30	60,4	82,5	57,7	18,6
ЭКФ <sub>05</sub>		0,5		0,6	0,6
ОВП-4	10 – назорат	70,5	100,0	62,8	19,7
	20	63,8	90,5	55,2	18,7
	30	58,2	82,5	54,1	17,5
ЭКФ <sub>05</sub>		0,3		0,4	0,4
П-7	10 – назорат	52,1	100,0	57,1	17,5
	20	52,0	99,8	49,4	16,4
	30	50,9	97,7	35,5	14,8
ЭКФ <sub>05</sub>		0,6		0,4	0,6
<b>Олхўрини Исполинская нави + АКУ 2-31 пайвандтаги оралик қўйилмаси</b>					
Қора олу	10 – назорат	75,3	100,0	62,8	19,6
	20	69,7	92,6	55,8	17,3
	30	66,0	87,6	53,3	16,5
ЭКФ <sub>0,5</sub>		0,7		0,7	0,4
ОПА 15-2	10 – назорат	72,1	100,0	58,7	18,3
	20	69,5	96,4	51,1	15,6
	30	65,4	90,7	49,9	15,2
ЭКФ <sub>0,5</sub>		0,5		0,4	0,4
ОД 2-3	10 – назорат	61,0	100,0	53,0	16,2
	20	60,1	98,5	45,2	13,5
	30	60,1	98,5	31,7	10,1
ЭКФ <sub>05</sub>		0,4		0,6	0,6

## ХУЛОСАЛАР

1. Ўрганилган пайвандтагларни ўсиш кучи бўйича шартли равишда куйдаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

кучли ўсувчи (63,7-72,9 см) – камхастак, Кара олу;

ўртача ўсувчи (46,5-62,7 см) олчанинг ОВП-1, ОВП-5 ва ВП-1, олхўрининг ОПА 15-2 пайвандтаглари,

кучсиз ўсувчи (34,4-56,7 см) олчанинг П-7, П-3, Крымский 5, ВСЛ-2, САВ-6Р, олхўрининг ЧАК-5-62, АКУ 2-31, ВВА-1 ва ОД 2-3 пайвандтаглари.

2. Тупрокда намлик етишмаслигига юқори физиологик чидамлик уруғидан ўстирилган пайвандтагларда қайд этилди, улар ёз даврида кундузги соатларда 23,4 дан 29,3% гача сувни транспирацияга сарфлайди, барг хужайраларида тургорни тиклаш хусусияти 92,3-97,4% ни ташкил этади. Вегетатив йўл билан кўпайтириладиган пайвандтаглардан эса олчанинг ПН, олхўрининг АП-1, ОП 23-23, СВГ 11-19 ва ОД 2-3 пайвандтагларида кузатилди, уларда кундузги соатларда сувнинг йўқотилиши 20,0-21,8%, тургорнинг тикланиши 100,0% бўлади.

3. Уч ёшли она кўчатзорда вегетатив йўл билан кўпайтириладиган олчанинг ОВП-5, САВ-6Р, ВП-1 ва П-3 пайвандтаглари 123,7 дан 191,4 минг дона/га, олхўрининг СВГ 11-19, АП-1, ВВА-1 ва АКУ 2-31 пайвандтаглари 148,2 дан 195,0 минг дона/га гача стандарт пархиш чиқишини таъминлайди.

4. Пайвандтаглар она туплари 1,5x0,2 метрлик зичлаштирилган схемада жойлаштирилганда анча сийрак 1,5x0,5 м схемага нисбатан олчанинг ОВП-5 ва олхўрининг СВГ 11-19 пайвандтагида пархиш новда чиқиши 2,5 марта ошди, бу эса гектарига 343,3 ва 351 минг донага кўпроқ демакдир.

5. Олча ва олхўри пайвандтаглари она ўсимликларини 33333 дона/га ўсимлик қалинлигида 1,5x0,2 м схемада зичлаштириб жойлаштириш бир гектар она кўчатзордан 50,750 млн. сўм соф фойда, 1000 дона пайвандтагнинг таннархини 11430 ва 13499 сўм, пайвандтаг ишлаб чиқариш рентабеллигини 640,7 ва 774,8% гача етказиш имконини беради.

6. Яшил қаламчаларнинг энг яхши илдиз олиши (73,0-79,0%) олчанинг САВ-6Р, ПН, П-7 ва Крымский 5 пайвандтагларида қайд этилди, уларда стандарт ўсимликларнинг чиқиши 316328 дан 336383 донагача етди. Илдиз олувчанлиги ўртача (63,6-69,9%) бўлган П-3, ВСЛ-2 ва ВП-1 пайвандтагларида иншоотнинг фойдали майдонидан стандарт пайвандтаг чиқиши 223183-300583 дона, суст идиз олувчи (45,5-57,2%) ОВП-1, ОВП-4 ва ОВП-5 пайвандтагларида эса мос ҳолда 207001 дан 238319 донагача бўлди.

7. Яшил қаламчасидан кўпая олишга юқори даражада мойиллик (70,8-80,5%) олхўрининг СВГ 11-19, ОД 2-3, АП-1, ОП 23-23, пайвандтагларида қайд этилди, уларда махсус иншоотдан стандарт пайвандтаглар чиқиши 283274 донани ташкил этди. Суст – 35,9-36,3% илдиз олувчанлик ЧАК 5-62 ва ОПА 15-2 пайвандтагдарида қайд этилди.

8. Куртак пайванд қилиш муддатларини оптималлаштириш кўчатзорнинг майдон бирлигидан умумий ва стандарт кўчат чиқишини олчанинг П-7 пайвандтагида 47613 дона/га, олхўрининг ОД 2-3 пайвандтагида

46619 дона/га гача етказиш имконини беради, бу эса республикада умумқабул қилинган пайванд қилиш муддатига нисбатан 16,2 ва 10,6% га юқоридир.

9. Олча ўсимлигида оралиқ қўйилмалар кўчат олиш учун энг яхши бирикма асосий пайвандтаг сифатида П-7 ва интеркаляр қўйилма сифатида кучсиз ўсувчи П-3 пайвандтагидан фойдаланиш ҳисобланади. Олхўри учун бундай бирикма кучсиз ўсувчи ОД 2-3 пайвандтаги ва АКУ 2-31 пайвандтагининг оралиқ қўйилмаси ҳисобланади. Ушбу пайвандтаг ва интеркаляр қўйилма бирикмасида тутувчанлик 95,9% гача етади.

10. Олчада асосий пайвандтаг сифатида П-7, оралиқ қўйилма учун кучсиз ўсувчи П-3 пайвандтаги қаламчасини, олхўри учун асосий пайвандтаг – ОД 2-3, интеркаляр қўйилма учун АКУ 2-31 пайвандтагининг 10 см узунликдаги қаламчасидан фойдаланиш лозим. Олча ва олхўрининг кучли ўсувчи пайвандтаглари учун айнан шу интеркаляр қўйилмалардан фойдаланиш мумкин, фақат бунда уларнинг узунлиги 20-30 см бўлиши зарур.

11. Интенсив типдаги олча ва олхўри боғлари барпо қилиш учун кўчатчилик хўжаликларида:

олча кўчатларини ВСЛ-2, Крымский-5, П-3 ва П-7, олхўрини ОД 2-3, ВВА-1, ЧАК 5-62, АКУ 2-3 каби кучсиз ўсувчи вегетатив йўл билан кўпайтириладиган пайвандтагларда ўстириш,

пайвандтагларнинг она кўчатларини 1,5x0,2 м схемада парваришлаш;

олча ва олхўрининг кучсиз ўсувчи кўчатларини интеркаляр қўйилма билан етиштиришда кучсиз ўсувчи олчанинг П-3 ва П-7 ҳамда олхўрининг ЧАК 5-62 ва АКУ 2-31 пайвандтагларининг оралиқ қўйилма қаламчасидан фойдаланиш, уларни кучли ўсувчи пайвандтаглар учун 30 см, ўртача ўсувчи пайвандтагларга 20 см ва кучсиз ўсувчи пайвандтагларга 10 см узунликда пайвандлаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХАЛМИРЗАЕВ ДИЛМУРАД КАМИЛОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ  
СЛАБОРОСЛЫХ САЖЕНЦЕВ ВИШНИ И СЛИВЫ ДЛЯ  
ИНТЕНСИВНЫХ САДОВ**

**06.01.07 – Плодоводство и виноградарство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/Qx245.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Исламов Сохиб Яхшибекович,**  
доктор сельскохозяйственных наук, доцент

**Официальные оппоненты:** **Кайимов Абдухалил Кайимович,**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор  
**Файзиев Жамолиддин Носирович,**  
кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

**Ведущая организация:** **Министерство сельского хозяйства Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится \_\_\_\_ \_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_\_<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета 1-этаж, конференц зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером №535949) (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан \_\_\_\_ \_\_\_\_ 2018 года.  
(реестр протокола № \_\_\_\_ от \_\_\_\_ \_\_\_\_ 2018 года).

**Б.А.Сулаймонов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик.

**Я.Х.Юлдашов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., доцент.

**М.М.Адиллов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в промышленно развитых зарубежных аграрных странах выращивание косточковых пород на слаборослых подвоях получили широкое распространение, доля которых составляет в Болгарии и Италии 80%, Германии, Англии и США 90%, России 40% от общей площади садов<sup>1</sup>. Основное направление интенсивного садоводства – это широкое использование ресурсосберегающих технологий с использованием скороспелых, урожайных и высокого качества плодовых культур на слаборослых клоновых подвоях.

Во многих странах мира разрабатываются эффективные методы по созданию маточников вегетативно размножаемых подвоев, выявлению из них слаборослых, холодо и засухоустойчивых форм, размножению подвоев вегетативным путём. Научные исследования по выявлению оптимальных сроков окулировки, совершенствованию технологии выращивания сортовых саженцев и увеличению выхода качественного посадочного материала являются для отрасли плодоводства республики актуальной задачей.

Основной задачей современного промышленного плодоводства является увеличение производства плодов высокого качества для удовлетворения потребности населения республики и экспорта в зарубежные страны. В связи с этим особое значение приобретает интенсификация производства таких культур как вишня и слива, которые среди плодовых растений являются наиболее скороплодными и скороспелыми, стабильно плодоносящими, урожайными по годам выращивания. В Стратегии действий на 2017-2021 годы Республики Узбекистан также отмечены изменения по «...оптимизации посевных площадей и состав культур в сельском хозяйстве, внедрение передовых агротехнологий и повышение урожайности, увеличение выращивание плодов, овощей и винограда»<sup>2</sup> как важные стратегические задачи. В связи с этим, создание маточников вегетативно размножаемых клоновых подвоев с высоким выходом стандартных саженцев позволяет созданию высокоэффективных садов интенсивного типа.

Реализация поставленных в диссертационной работе вопросов служит в определенной степени задачам, предусмотренными Постановлением Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», пункт 3.3. от 7 февраля 2017 года, УП-5388 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодовоовощеводства в Республике Узбекистан» от 29 марта 2018 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики V.

---

<sup>1</sup> <http://stainformation.ru/sel/vinograd.html>; <http://landlord.ua/10-krupneyshih-v-mire-proizvoditeley-vina/>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года..

«Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

